



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

EXPECTED DURATION OF EDUCATION

HRM LIFE EXPECTANCY HEALTH STATUS HUMAN

STATUS HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL IND

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMIC

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION

DURATION OF EDUCATION

LIFE EXPECTANCY HEALTH

HRM HUMAN CAPITAL

HUMAN CAPITAL INDEX

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED

**TASHKENT S
OF ECONOMI
LABOUR ECO
HUMAN CAPI**

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

**LABOUR ECONOMICS AND
HUMAN CAPITAL**

scientific electronic journal

2024 yil 3-son

Volume 9, Issue 3, 2024



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ
ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
№ 3-2024

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-soni qarori bilan ro’yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog’lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:**(Chairman of the Editorial Board)**

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:**(Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.

Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d.. prof.

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof

Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof

Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof

Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.

Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.

Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d., prof.

Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.

Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.

Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.

Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.

Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)

Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.

Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.

G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.d., (DSc), dots.

Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**(Community Council members)**

Bred Bodenxauzen (AQSh)

Jon Ankor (Buyuk Britaniya)

Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)

Xeynz Miller (AQSh)

Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)

Masato Xivatari (Yaponiya)

Gerxard Feldmayer (Germaniya)

Eko Shri Margianti (Indoneziya)

Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)

Rohana Ngah (Malayziya)

Sharifah Zanniyerah (Malayziya)

Teguh Dartanto (Indoneziya)

Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)

Muhammed Xoliq (Pokiston)

Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiymaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



www.laboreconomics.uz

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

S.B.G'oyipnazarov	<i>Labor market transformations in developing countries</i>	5-23
A.B.Xayitov	<i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish va yoshlar bandligini ta'minlashning davlat siyosati</i>	24-29
G.F.Abdumalikova	<i>O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotda aholining ish bilan bandligini ta'minlash</i>	30-37
B.E.Mamaraximov	<i>Raqamli iqtisodiyot sharoitida bitiruvchilarni bandligini ta'milash tizimining matematik modelini optimallashtirish</i>	38-45
J.D.Jo'rayev	<i>Raqamli iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ish bilan ta'minlash tizimini takomillashtirish</i>	46-51
T.T.Xalikov	<i>Barqaror iqtisodiy o'sishda mehnat unumdorligini oshirish yo'llari</i>	52-62
T.T.Xalikov	<i>.....</i>	
F.X.Mamatova	<i>.....</i>	

INSON KAPITALI

K.X.Abduraxmonov	<i>Роль стратегических инвестиций в развитие человеческого капитала в условиях цифровой трансформации банковской системы Узбекистана</i>	63-74
S.S.Ismoilov	<i>.....</i>	
S.B.G'oyipnazarov	<i>Inson kapitalini raqamli rivojlanish holatini baholashning uslubiy asoslari</i>	75-88
T.N.Azimov	<i>.....</i>	

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

G.Q.Abduraxmonova	<i>Davlat korxonalarida inson resurslarini rivojlantirishga ta'sir etuvchi omillarni aralash usul yordamida baholash</i>	89-110
M.Sh.Xaydarova	<i>.....</i>	
U.X.Abdukarimov	<i>Davlat fuqarolik xizmatchilarining salohiyatini rivojlantirish: yangi davr talabi va imkoniyatlari</i>	111-120
M.A.Qayumova	<i>Strategies for enhancing faculty motivation: evidence-based practices for higher education institutions</i>	121-131
X.A.Ortiqov	<i>Muassasalarda yil o'rtasida shtat jadvaliga o'zgartirish kiritish tartibi</i>	132-138
G.X.Anvarova	<i>.....</i>	
M.A.Yusupova	<i>Bank sohasida sun'iy intellektni integratsiya qilish orqali mehnat tashkilotini transformatsiya qilish</i>	139-152

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

Z.Dj.Adilova	<i>Qoraqalpog'iston Respublikasida turizmni rivojlantirish istiqbollari</i>	153-162
B.K.Kusekeyev	<i>Привлечения инвестиций в сферу туризма в Узбекистане: тенденции и события</i>	163-170
B.Z.Arzimatov	<i>Mintaqalararo iqtisodiy integratsiyaning O'zbekiston iqtisodiyotiga ta'siri</i>	171-180
N.O.Jumaniyozov	<i>Moliyaviy resurslar defitsiti sharoitida xo'jalik yurituvchi subyektlarni samarali boshqaruв strategiyasini takomillashtirish</i>	181-187
K.J.Sodiqxo'jayev	<i>O'zbekiston iqtisodiyotining barqaror taraqqiyotiga xorijiy investitsiyalar ta'siri</i>	188-195
N.S.Yuldashev		



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ

ISSN: 3030-3117

<https://laboreconomics.uz/>



МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ДЕФИЦИТИ ШАРОИТИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Содикхўжаев Камолиддин Жалолиддинович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистри

e-mail: sadikhodjaev74@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2 iss1/a116>

Аннотация: Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг олдида турган энг долзарб муаммолардан бири-молиявий ресурслар дефицити муаммоси ёритилган. Жумладан, шундай ҳолатга дуч келган шароитда корхонани тўғри бошқара билиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилган. Корхонада молиявий ресурслар дефицити келиб чиқишини олдини олиш, уни тўғри башорат қила билиш ҳамда шу билан боғлиқ хатарларни оқилона баҳолаш каби назарий таҳлиллар қилиган. Молиявий ресурслар дефицити шароитида қилиниши мақсадга мувофиқ бўлган амалийchora-тадбилар белгилаш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: молиявий ресурслар дефицити, молиявий менежмент, пул оқими, мажбурий тўлов, инфляция, стратегик режа, корпоратив бошқарув, харажатлар самарадолиги, яширган рисқ, мақсадли пул жамғармалари, ижтимоий ҳимоя, фавқулодда тўловлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ СУБЪЕКТАМИ ЭКОНОМИКИ В УСЛОВИЯХ ДЕФИЦИТА ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ

Садыкходжаев Камолиддин Джалолиддинович

Магистр Высшей школы бизнеса и предпринимательства
при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Аннотация: В данной статье освещена одна из наиболее актуальных проблем, с которыми сталкиваются хозяйствующие субъекты, - проблема дефицита финансовых ресурсов. В частности, были рассмотрены вопросы, как правильно управлять предприятием в такой ситуации и как организовать производство. На предприятии проведен теоретический анализ того, как предотвратить возникновение дефицита финансовых ресурсов, уметь правильно его прогнозировать и рационально оценивать связанные с этим риски. Даны рекомендации по определению практических мер, которые целесообразно предпринять в условиях дефицита финансовых ресурсов.

Ключевые слова: дефицит финансовых ресурсов, финансовый менеджмент, денежный поток, обязательные платежи, инфляция, стратегический план, корпоративное управление, экономическая эффективность, скрытый риск, целевые денежные резервы, социальная защита, чрезвычайные выплаты.

IMPROVING THE EFFICIENT MANAGEMENT STRATEGY OF ECONOMIC SUBJECTS UNDER THE DEFICIT OF FINANCIAL RESOURCES

Sadiqkhojaev Kamoliddin Jaloliddinovich

Master of the Higher School of Business

and Entrepreneurship under the

Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Abstract: This article highlights one of the most pressing issues faced by business entities - the problem of a shortage of financial resources. In particular, the issues of how to properly manage an enterprise in such a situation and how to organize production were considered. The enterprise conducted a theoretical analysis of how to prevent the occurrence of a shortage of financial resources, be able to correctly predict it and rationally assess the risks associated with it. Recommendations are given for determining practical measures that are advisable to take in the conditions of a shortage of financial resources.

Keywords: deficit of financial resources, financial management, cash flow, compulsory payment, inflation, strategic plan, corporate management, cost efficiency, hidden risk, targeted cash reserves, social protection, emergency payments.

Кириш

Корхонанинг молиявий ресурслари бу корхона ихтиёрида бўлган ва маҳсулот, товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқариш, ўз олдидаги турли молиявий мажбуриятларини бажариш ҳамда иқтисодий ривожланиш учун мўлжалланган маблағлардир. Молиявий ресурслар манбалари деганда-бу хўжалик юритувчи субъетнинг маълум бир даврда ихтиёрида бўлган ва ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш учун зарур бўлган пул харажатлари ва ажратмаларини амалга оширишга қаратилган барча пул даромадлари ва тушумлари тушунилади.

Ҳозирги кунда молиявий менежментнинг энг долзарб муаммоларидан бири-бу молиявий ресурсларнинг дефицити шароитида корхоналар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва самарали бошқаришдан иборат.

Корхоналарда молиявий ресурсларнинг дефицити корхоналарнинг тўлақонли фаолият юритишида қатор муаммолар келтириб чиқаради. Жумладан:

- пул оқимининг камайиши билан боғлиқ муаммолар;
- мақсадли пул жамғармаларини ташкил этишдаги муаммолар;
- мажбурий тўловларни тўлашдаги муаммолар (буларга ходимларга меҳнат хақи тўловлари, ер ва мулк солиқлари, коммунал тўловлари, ижара тўловлари, қонун билан белгиланган ижтимоий муҳофаза юзасидан тўловлар, кредиторлик қарзлари тўловлари ҳамда фавқулодда тўловлар киради);
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдаги айланма маблағларнинг камайиши билан борғлиқ муаммолар;
- бошқарув қарорларини ҳам қабул қилишдаги муаммолар;
- акциядорлик жамияти сифатида фаолият юритувчи корхоналарда дивидент мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муаммолар.

Ҳозирги кунда корхоналар молиявий ресурслар дефицити ҳолатига дуч келганда амалиётда қандай йўл тутадилар? Масалан:

- биринчи навбатда мавжуд иш ўринлари қисқартирилиши билан боғлиқ тадбирлар бошланади (бунинг оқибатида тажрибага эга бўлган малакали мутахассис-ходимларни йўқотиш эҳтимоли юзага келиши мумкин. Шу ўринда яна шуни қўшимча қилиш мақсадга мувофиқ бўларди-корхоналарнинг молиявий аҳволи яхши пайтида корхона учун юқори аҳамиятга эга бўлган капиталини молиявий инқироз ҳолатида йўқотишдан суғурта қилиш зарур ҳолларда самара беради);

- ишлаб чиқариш ресурсларини тиклашга йўналтириладиган харажатлар тўхтатилади (бунинг оқибатида таъминот камаяди, натижада ишлаб чиқариш сонига ҳам, сифатига ҳам, ҳажмига ҳам путур етади);

- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қуввати камаяди (бундан шундай хулоса келиб чиқадики-ишлаб чиқариш қуввати камайса ёки хизмат кўрсатиш даражаси пасайса ўз-ўзидан кутилган даромадга кучли салбий таъсир кўрсатади);

- банклардан кредиторлик қарзлари жалб этилади (натижада корхона учун яна ташқи қарздорлик ортади, шундоқ ҳам молиявий қийинчиликларга учраган корхона энди катта кредитор қарздорликка учрайди);

- бошқарув самарадорлиги сустлашади.

Корхонада молиявий ресурслар дефицити келиб чиқишининг ички омиллар(стратегик режанинг нотўғри белгилангани, ходимларнинг малакасизлиги, етарлича маркетинг тадқиқотлари олиб борилмагани, коррупциянинг мавжудлиги ва ҳ.к.)га ва ташқи омиллар(макроиқтисодий циклнинг инқироз даври, инфляция, техноген ва табиий оғатлар, таъминотдаги камчиликлар, бозор конъюнктураси, рақобат ва ҳ.к.)га боғлиқлиги кўпгина тадқиқотлар натижасига кўра маълум. Лекин энг асосий муаммо бу корхонада молиявий ресурслар дефицити келиб чиқишини олдиндан кўра билмаслик, бошқача айтганда-мавжуд ёки “яширган риск”лар етарлича статистик-аналитик таҳлил қилинмаганлигида (“яширган риск” деганда нимани тушуниш керак-бу мавжуд омил маълум бир жараён учун хатар ҳосил қилмайди, лекин қандайdir шароит сабаб ушбу омил мазкур жараён учун хатарга айланиши мумкин).

Корхона бошқарув тузилмасининг нотўғри шакллантирилиши оқибати ҳам молиявий ресурслар дефицитига сабаб бўлиши мумкин. Бунда бир-бирига функционал ўхшашликда бўлган таркибларнинг мавжудлиги ёки бири иккинчисини вазифаларини давом эттирувчи (тўлдирувчи) таркибларнинг кўплиги ёхуд мавжудлиги, қолаверса пул маблағлари оқимини бошқариш ва назорат қилиш бир инстанцияда мужассам бўлиши корхонада молиявий барқарорликка путур етказиши мумкин.

Хўжалик фаолиятини юритишда альтернатив инструментнинг мавжуд эмаслиги ёки камлиги ва шу билан биргалиқда бозор талабларига мос келмаслиги корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Бундай ҳолатда корхона бошқарувида нотўғри молиявий стратегияни белгилаш ёки бошқарувда нотўғри қарорлар қабул қилиш оқибатида корхонани бутунлай банкрот ҳолатига олиб келиш эҳтимоли фоизи юқори бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мазкур тадқиқот юзасидан ўрганиб чиқилган бир қанча илмий ишлар ва адабиётларда асосий эътибор корхонада фойдани ошириш, харажатларни оптималлаштириш масалаларига қаратилган. Лекин мазкур муаммо яъни молиявий ресурслар дефицити шароитида оқилона стратегик режа ишлаб чиқиш ва самарали бошқарувни ташкил этиш, қолаверса бундай ҳолатда асосий фаолият ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни тўхтатмай олиб боришга қаратилган назария кам.

Таниқли олимлар А. Ваҳобов ва Т. Маликов томонидан ёзилган “Молия” китоби, А. Йулдашев, И. Сирожиддинов ва Н. Хусаинов томонидан чоп этилган “Молиявий менежмент” ҳамда Ф. Хусанов, М. Турсунходжаев ва А. Бакиев томонидан ёзилган “Молиявий менежмент” китобларининг бир қанча бобларида молиявий режалаштириш, молиявий ресурслар билан таъминлаш, айланма маблағларни бошқариш ва пул оқимларини бошқариш масалалари ёритиб ўтилган. Лекин мазкур асарда молиявий ресурслар дефицити шароитида корхоналарни бошқариш ва пул оқимларини жалб қилиш масалаларига кам эътибор қаратилган.

Таниқли рус олимлари И. Внуков ва А. Михайлов томонидан ёзилган “Экономика предприятия” китобида корхоналарнинг молиявий дефицити келиб чиқишининг асосий сабабилари этиб иккита омил кўрсатилган. Булар корхонада шунга масъул бўлган мутахассисларнинг етарли билимга эга эмаслиги ва стратегик режанинг пухта ишлаб чиқилмагани кўрсатилган. Муаммонинг ечими эса асосан узоқ муддатли банк кредитларини жалб этиш орқали ҳал бўлиши келтириб ўтилган.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқотни амалга оширишнинг тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гурӯхлаш усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Шу ўринда 2023 йил давомида турли иқтисодий ва молиявий сабаблар туфайли фаолияти тугатилган ва 2024 йилнинг шу куни ҳолатига кўра фаолият кўрсатмаётган корхона ва ташкилотлар юзасидан статистик маълумотларига эътибор қаратсак:

1-жадвал

Фаолият кўрсатмаётган корхона ва ташкилотлар

T/p	Худуд	2023 йилда фаолияти тугатилган корхона ва ташкилотлар сони	2024 йилнинг шу кунига қадар фаолият кўрсатмаётган корхона ва ташкилотлар сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1903	6619
2	Андижон вилояти	1693	21114
3	Бухоро вилояти	2406	8200
4	Жиззах вилояти	1911	10632
5	Қашқадарё вилояти	3169	14327
6	Навоий вилояти	1895	6641
7	Наманган вилояти	2512	13186
8	Самарқанд вилояти	3855	18143
9	Сурхондарё вилояти	1746	11571
10	Сирдарё вилояти	677	6906
11	Тошкент вилояти	1600	21285
12	Фарғона вилояти	2355	19447
13	Хоразм вилояти	2298	8092
14	Тошкент шаҳри	3275	37158
Жами:		31295	203321

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2023 йил давомида мамлекат бўйлаб 31 295та корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини тугатган ва 2024 йилнинг шу кунига қадар 203 321 та корхона ва ташкилотлар у ёки бу муаммо туфайли фаолиятини юритмаяпти.

Ушбу илмий тадқиқот ишида молиявий ресурсларнинг тақчиллиги ҳолатида корхоналар бошқарувини самарали ташкил этиш ва молиявий барқарорликка эришиш учун бир қанча муҳим стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва уларга қатъий амал қилган ҳолда ишларни ташкиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилади. Бу икки босқичдан иборат бўлади: биринчи босқич назарий-таҳлилий кўринишга эга ва иккинчи босқич амалий-стратегик кўринишга эга бўлади.

Назарий-таҳлилий босқични кўриб чиқамиз:

- биринчи навбатда-молиявий ресурсларнинг дефицити ҳолати содир бўлиш сабабларини чуқур таҳлилий ўрганиш (яъни молиявий ресурслар дефицити ички сабаблар туфайли келиб чиқдими ёки ташки сабаблар туфайлими. Бу сабабларни бартараф этиш корхонага боғлиқми ёки улар корхонанинг таъсир доирасидан ташқаридами? Бу сабабларни бартараф этиш учун қандай стратегик режа ишлаб чиқиш зарур?);

- жорий позицияни баҳолаш. Бу билан ҳозир корхона молиявий ресурслар дефицитининг қайси босқичида турилганлигини белгилаб олиш муҳим. Молиявий ресурслар дефицити муаммоси прогрессив тус

олмоқдами ёки регрессивми ва бу яна қанча вақт давом этиши мумкин? Бунда асосий эътиборни математик таҳлил ва маркетинг тадқиқотлари натижаларига қаратиш керак бўлади.

- мавжуд пул оқимлари манбаларини ўрганиб чиқиш ва уларни янада интенсив кучайтириш ва янада барқарорлаштириш учун барча зарурий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- молиявий харажатлар самарадорлигини баҳолаш тизимини барпо этиш. Бу нима дегани. Харажатлар барибир бўлади. Ишлаб чиқришда ёки бизнес юритишида харажатларни тартибга солмай туриб ижобий натижага эришиб бўлмайди. Лекин бу ерда харажатларнинг оптимизацияси эмас, балки харажатларни амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлаш назарда тутилган. Бунда харажатларни ўта муҳим ва муҳим бўлмаган тоифаларга ажратиш кўзда тутилади. Муҳим бўлмаган тоифадаги харажатларнинг тўловини номаълум муддатга суриш мумкин, лекин ўта муҳим харажатлар бўйича эса кенг қамровли таҳлиллар асосида пуҳта ишлаб чиқилган режа асосида тўловларни амалга ошириш, яъни бунда харажатни шундай амалга ошириш керак бўладики, бунда харажатлар альтернатив вариантларда минимал даражада бўлишини йўлини топиш назарда тутилади. Харажатларнинг шаффоғлиги ва кучли назорат остида бўлиши самарадорликни таъминлайди;

- мажбурий тўловларни тўлашда давлатнинг қонун хужжатларида белгиланган имтиёзлардан максимал даражада фойдаланиш йўлларини излаш;

Амалий-стратегик босқични кўриб чиқамиз:

Корхонада молиявий ресурслар дефицити ҳолатига барҳам бериш мақсадида қуидаги тадбирларни белгилаш зарур:

- мавжуд пул оқимларини тартибга солиш орқали мақсадли пул фонdlарини ташкил этиш ва уларни асосий фаолият доирасида бозор талаблари юқори бўлган фаолиятга йўналтириш;

- фақатгина ўта муҳим харажатларни қоплаш учун етарли миқдорда банк кредитларини жалб қилиш (бу тўловларга мавжуд пул оқимилиарни жалб этмаслик);

- тасарруфда бўлган мавжуд ҳар қандай ресурслардан максимал даражада самарали фойдаланиш йўлларини излаш;

- меҳнатга хақ тўлаш тизимини мувофиқлаштириш (корхона раҳбарий бўғини меҳнатига хақ тўлашни ўрта бўғин ходимлари меҳнатига хақ тўлаш меъёрига tenglashтириш. Меҳнатга хақ тўлаш амалиётини гурухлаш-бу билан шу нарса назарда тутилади-ки, меҳнатга хақ тўлашни бир қанча даврларга бўлиб амалга ошириш-ҳаммага бир вақтда эмас);

- ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, корхонани модернизация қилиш ва фаолиятни диверсификация қилиш бўйича лойиҳалар учун инвестиция жалб қилиш чораларини кўриш;

- зарурий ҳолларда ишлаб чиқариш ресурсларининг мобиллигини таъминлаш.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида келтирилганлардан қилингандан таҳлиллар асосида шу нарса келиб чиқадики, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурслар дефицити энг биринчи навбатда ички омиллар асосида келиб чиқади. Агар корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган стратегик режа ўта мукаммал ва пуҳта бўлса, унда корхонанинг асосий фаолият юритишида монеълик қилувчи ички ва ташқи рискларни олдиндан тўғри ва оқилона баҳолангандан бўлса, ҳар қанда молиявий ресурсларнинг дефицити ҳолатга тезда барҳам бериш мумкин.

Молиявий ресурслар дефицити шароитида корхона томонидан харажат ларни амалга оширишда тўланиши керак бўлган қийматни дискретлаш йўли билан амалга ошириш керак. Бунда тўланадиган умумий қиймат бир неча ташкил этувчиларга бўлингандан ҳолда, маълум вақтлар оралиғида бўлиб тўланиши назарда тутилмоқда. Бундай вариантда пул оқими тўғри бошқарилиши натижасида ушбу харажатларни самарали бошқариш корхонага оғирлик қилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А. Ваҳобов ва Т. Маликов “Молия”/ Дарслик. “NOSHIR”-2011-816.
2. А. Йулдашев, И. Сирожиддинов ва Н. Хусаинов “Молиявий менежмент”. Дарслик. 2-тўлдирилган нашри. Тошкент. “VORIS-NASHRIYOT”2013й.-222 б.
3. Ф. Хусанов, М. Турсунходжаев ва А. Бакиев “Молиявий менежмент”/ Дарслик. “VORIS-NASHRIYOT”-2006 й-60 б.
4. Д. Қосимова “Менежмент назарияси”.Дарслик. Тошкент. “Тафаккур бўстони”. 2011-238 б.
5. Н. Раҳматуллаева “Стратегик менежмент”.Қўлланма/ Тошкент-2019 й- 142 б.
6. И. Внуков, А. Михайлов “Экономика предприятия”/ Учебник. “Минск”-1997-101 ст.
7. Д. Суюнов, Ш. Хусаинов, Э. Ҳошимов “Корпоратив бошқарув”. Тошкент-2021 йил.
8. В. Ковалева “Финансы”. Москва-2007 . “Проспект”-329 ст.

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13



Tashkent, Uzbekistan



ilmiymaktab@gmail.com



www.laboreconomics.uz